



НАЖМИДДИНОВ Зафар
University of Business and
Science доцент в.б.,
тарих фанлари номзоди

ХОРАЗМЛИК ФАҚИХ МУХТОР АЗ-ЗОҲИДИЙ ВА УНИНГ ҲАНАФИЙ ФИҚҲИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

ХОРЕЗМСКИЙ ПРАВОВЕД МУХТАР АЗ-ЗАХИДИ И ЕГО РОЛЬ В РАЗВИТИИ ХАНАФИТСКОЙ ЮРИСПРУДЕНЦИИ

THE KHOREZMIAN JURIST MUKHTAR AZ-ZAHIDI AND HIS ROLE IN THE DEVELOPMENT OF HANAFI JURISPRUDENCE

Аннотация. Мухтор ибн Маҳмуд аз-Зоҳидий XIII аср Хоразм илмий муҳитининг ёрқин намойндаларидан бири ҳисобланади. Олим фикҳ ва ислом илоҳиёти соҳаларида ўн учта асар ёзган бўлиб, ҳозиргача улардан фақат биттаси нашр қилинган. Зоҳидий асарларида мўғул истилоси туфайли юзага келган сиёсий-иқтисодий муаммоларга фикҳий ечим топишга ҳаракат қилинган. Ўрта Осиёнинг “дор ал-ислом” статуси масаласи муҳокама қилинган долзарб мавзулардан биридир. Зоҳидий асарларининг Ўрта Осиё мадраса тизимида қабул қилинмаганига сабаб сифатида унинг муътазиллий ақидасига мойил бўлгани кўрсатилади.

Калит сўзлар: Хоразмшоҳлар давлати, муътазиллийлик, мўғул босқини, ҳанафий фикҳи, мўғулларнинг исломийлашуви.

Аннотация. Мухтар ибн Махмуд аз-Захиди – один из ярчайших представителей научной среды Хорезма XIII века. Ученый написал тринадцать трудов по фикху (исламскому праву) и каламу (исламскому богословию), из которых до настоящего времени опубликована только одна. В своих работах

аз-Захиди пытался найти правовые решения политических и экономических проблем, вызванных монгольским нашествием. Одной из актуальных тем, которые он обсуждал, является вопрос о статусе «дар ал-ислам» (территория ислама) в Центральной Азии после завоевания. Причина, по которой труды аз-Захиди не были включены в учебные программы медресе Средней Азии, вероятно, кроется в его склонности к мутаизму – рационалистическому течению в исламском богословии.

Ключевые слова: государство хорезмшахов, мутаизм, монгольское нашествие, ханафитское право, исламизация монголов.

Annotation. Mukhtar ibn Mahmud az-Zahidi is one of the most prominent representatives of the scientific community of Khorezm in the 13th century. The scholar wrote thirteen works in the field of jurisprudence and Islamic theology, of which only one has been published to date. In his works, Zahidi tried to find a legal solution to the political and economic problems caused by the Mongol invasion. One of the current topics of discussion is the issue of the status of “dar al-Islam” of Central Asia. The reason why Zahidi’s works were not accepted into the madrasah system of Central Asia is that he was inclined towards Mu’tazilism.

Keywords: the Khwarezmid empire, the Mu’tazilite school of Islamic theology, the Mongol conquest of Central Asia, the Hanafite school of law, Islamization of the Mongols.

КИРИШ

Ўрта Осиёда мўғуллар босқинига бўлган даврда фикҳ илми ривожини Зоҳидий (ваф. 658 йил 21 Жумодо II / 1260 йил 3 июнь) фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин. Олимнинг тўлиқ исми Абу-р-Раҷо Наҳм ад-дин Мухтор ибн Маҳмуд ал-Ғазминий аз-Зоҳидий бўлиб, Хоразмнинг Ғазмин қишлоғида туғилгани учун шу нисба билан номланган. Ҳанафий мабаида энг кўп иқтибос қилинадиган асарлардан бири “Қунят ал-муня”ни ёзгани сабабли эса баъзан “Қуня муаллифи” (соҳиб ал-Қуня) дейиш билан ҳам чекланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Зоҳидий яшаган XIII аср бошида Хоразмда диний илмлар ўз чўққисига чиққан эди. Қироат илмида етук ҳисобланмиш Садр ал-курро Юсуф ибн Муҳаммад ал-Қайдий, калом олими

Абу Яъқуб ас-Саккокий, арифметика олими (мухтасиб) Ало ад-дин Садид ибн Муҳаммад ал-Хайётий, ҳанафий фақиҳлар – қози Фаҳр ад-дин Бадиъ ибн Аби Мансур ал-Арабий ал-Кузабний, Рукн ал-аимма Абд ал-Карим ал-Мадиний ас-Саббоғий, Абу-л-Маолий Тоҳир ибн Муҳаммад ал-Ҳафсий, Нажм ад-дин Қосим ибн Муҳаммад ал-Хайёз ва Шамс ад-дин Муҳаммад ибн Абд ал-Карим ат-Туркистонийлар Зоҳидийга дарс бергани маълум. Олим кубравийя тариқати асосчиси Нажмиддин Кубро билан ҳам кўришган ва ундан ҳадис ўрганган.

Зоҳидийнинг фикҳ соҳасида кўплаб шоғирдлари бўлган. Улар орасида қози Шамс ад-дин Муҳаммад ибн Аби-л-Қосим Фаҳр ад-дин ибн Солиҳ ал-Муиззий, Разий ад-дин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бурҳоний ва Абу Халифа Абд ал-Азиз ибн Абд ас-Саййид ал-Бозагоний кўпроқ машҳур бўлган.

“Қуня”да исми кўпроқ учраган исмлардан яна бири Саййид ал-аимма ал-Қандий ва Рукн ад-дин ал-Вонижоний ҳисобланади [3: 2.142,150]. Усмоний биографи Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий (ваф.1582 й.) бу фақиҳлар ҳақида қуйидаги маълумотни ёзган:

“Ал-Вонижоний – мужтаҳидларнинг яқунловчисидир (*хотимат ал-мужтаҳидин*). Ўз давридаги барча фанларни жамлаган шахс эди.” [3: 3.289-291]. Зоҳидий “Қуня”да ўша пайтда аҳоли ўртасида машҳур бўлган “қобин” деб аталувчи маҳр мисоли тўлов ҳақида сўзлар экан, бу масалада аввало устози Вонижоний фикрини сўраб билгани ҳақида тўхталиб ўтган. Вонижоний исми Хоразм-Олтин Ўрда илмий муҳитида ёзилган бошқа фикҳий асарлар, жумладан “Фатово ал-Баззозийя”да ҳам учрайди.

Зоҳидий яшаган муҳитдаги Хоразм фақиҳлари автобиографияси Кафавий эътиборини ҳам ўзига тортган эди. У саккизинчи табақа фақиҳлари ҳақида сўзлар экан, Айн ал-аимма ал-Каробисий, Мажд ал-аимма ат-Таржумоний, қози Абд ал-Жаббор, Шихоб ал-аимма ал-Имомий ва Сайф ал-аимма ас-Соилий таржимаи ҳолларини биргаликда зикр қилган (№ 361-365) [3:2.428-431]. Кафавий келтирган маълумотлар орқали биз маҳаллий фақиҳ Хамир ал-Вабарийнинг қурбонликлар ҳукмига доир

“ал-Азоҳи” номли асар ёзгани ҳақида билиб олишимиз мумкин.

Мўғул босқинига қадар гуллаб-яшнаган Мовароуннаҳр ва Хоразмшоҳлар давлатида диний бағрикенглик амал қилар эди. Ушбу ҳудудда ислом, христианлик, яҳудийлик, зардуштийлик ва бошқа диний эътиқод вакиллари ўзаро тинч-тотув яшар эдилар. Вақти-вақти билан динлар ўртасида ақидавий мазмундаги илмий мунозаралар ҳам бўлиб турган. “Ар-Рисола ан-носирийя”даги маълумотларга кўра, Зоҳидий ҳам бу тортишувлардан четда турмаган. Аксинча, ислом илоҳиёти мутахассиси сифатида уни бу тортишувларда илк қаторга қўйганлар [1: 47]. Шу нуқтаи назардан «Рисола» ислом ва христиан динлари ўртасидаги динлараро мулоқот жиҳатидан қийматли асар ҳисобланади.”[2: 397-399].

Зоҳидийнинг Яқин Шарқ мамлакатларига сафарининг бошланиш санаси манбаларда кўрсатилмаган. Бирок, ушбу кўчиш мўғуллар истилосидан сўнг бошланганини тахмин қилиш мумкин. Олим аввалига Бағдод шаҳрига боради. Сўнгра у ерда бир муддат истикомат қилгач, бугунги Туркия ҳудудидаги Лоранда (Karaman) шаҳрига доимий яшаш учун келади. Маҳаллий фақиҳлар билан илмий мунозараларда ўз салоҳиятини намоён қилган Зоҳидий лорандаликларнинг иззат-ҳурматиға сазовор бўлган. Ундан дарс олиш учун келган талабалар орасида усмоний давлатининг бўлажак қурувчиси Усмон Ғозининг қайнотаси ва устози Эде-Болий ҳам бор эди [3: 2.300].

Зоҳидий нафақат фақиҳ, балки араб тилида шеър ёзадиган даражадаги мукамал тилшунос бўлган. Унинг Рум диёри ва Бағдодга келган пайтида она юртини соғиниб ёзган шеърлари бизгача етиб келган [3: 2.231].

Зоҳидийнинг ҳанафий фикҳида тутган позицияси ҳақида ислом ҳуқуқи соҳасида ёзган асарлари “Қунят ал-муня” ва “ал-Мужтабо” кўпроқ маълумот беради [4: 303а]. Ҳар икки асарда муҳокама қилинган долзарб мавзулардан бири «Хоразм мўғуллар босқинидан сўнг дор ал-ҳарбга айландими ёки ҳали ҳам дор ал-ислом ҳисобланадими?» деган фикҳий масала эди [5: 80]. Ушбу хусусиятларга эътибор қаратган ғарб

шаркшуноси В.Маделунг шундай хулосага келган:

«“Қуния” номли асарида Ғазминий устози Фахр ад-дин Бадиъ қаламига мансуб фатволар ичидан танлаб олинганларини таҳлил қилган. Бу асарда ўша даврдаги Хоразмдаги ҳолат бўйича аҳамиятли маълумотлар ўрин олган.

Ғазминий ўз устозига мансуб «Мунят ал-фуқаҳо»сига асосланиб ёзган яна бир фикҳий асари етиб келган бўлиб, у «ал-Ҳови фи масоил ал-воқиот ва-л-Муня» деб аталади. Ғазминий бундан ташқари Қудурийнинг “Мухтасар”ига йирик ҳажмли шарҳ ҳам таълиф қилган бўлиб, худди “Қуния” каби унда ҳам Хоразмнинг ўша даврдаги ҳолати бўйича маълумотлар мавжуд» [6: 54].

Маделунг фикрига қўшимча қилиб айтиш лозимки, мўғуллар истилоси сабаб юзага келган ижтимоий ва иқтисодий мавзулар муҳокамаси ҳар учала асарда учрайди.

Мовароуннаҳрдан фарқли равишда, Хоразмда Замахшарий фаолияти билан қатъий мавқега эриша бошлаган муътазилийлик таъсири Зоҳидий асарларида ҳам сезилади. Аҳли суннанинг умумий қабул қилинган ақидасидан фарқ қилувчи ўзига хос қарашларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- катта гуноҳ содир қилган, лекин гуноҳлари кечирилмаган мўминлар ўз гуноҳларига яраша жазо олганларидан сўнг дўзахдан чиқадилар;

- мўминлар қиёмат куни Аллоҳни биз учун аниқ бўлмаган ҳолатда (*била кайф*) кўрадилар;

- инсонда қудрат ва феъл бирга, деб эътиқод қилган киши кофир бўлмайди, балки бидъат аҳли ҳисобланади. Бундан кишидан ривоят қилиш жоиздир [5: 148].

XIII асрдан бошлаб қаламга олинган ҳанафий асарларда Зоҳидий асарларидан кўплаб иқтибослар учрайди. Бу ҳолатни Ўрта Осиёда ва Яқин Шарқда ёзилган китобларда кузатиш мумкин. Шу биан бирга, Зоҳидийга нисбатан танқидга сабаб унинг ҳанафий мазҳаби ичида заиф ҳисобланган фикҳий қарашлар ва ривоятлардан ҳам кенг фойдалангани эди.

Зоҳидий ўзи ҳанафий мазҳаби, муътазилийлик йўналишида бўлгани ҳолда баъзи фикҳий масалаларда шофийий ёки моликийлар қарашларини тўғри, деб ҳам

қабул қилган. Тадқиқотчи Ш.Ўзанга кўра, Зоҳидийнинг ҳанафийликка мос эмас, деб ҳисобланган фатволари таҳлил қилинганида, ўрта аср ҳанафийларининг яна айримлари айна қарашда эканликлари маълум бўлади [7: 44. 81-85]. Бу эса Зоҳидийнинг ҳанафий мазҳаби доирасидан ташқарига чиқмаганини кўрсатади.

Зоҳидийга хос хусусиятлардан яна бири иқтибос олинган олимлар ва асарларни кўрсатишда қисқартмалардан фойдаланишдир (аббревиатура). Ушбу ҳолатни муаллифнинг учала фикҳий асари (“Қуния”, “Мужтабо” ва “Ҳовий”)да кузатиш мумкин.

Фақиҳ Разий ад-дин ибн ал-Ҳанбалий (908-971/1502-1564) қуйидаги маълумотни келтирган:

“Мен Ҳалабдаги Хусрав пошо мадрасасида мударрис бўлиб ишлаган пайтимда Иброҳим ибн Бахши ибн Иброҳим ас-Сунасий исмли фақиҳ мендан Зоҳидийга мансуб китоблардан бирини сўради.

Мен унга “Зоҳидийнинг асарлари бўйича фатво берса бўладими? У ақидада муътазилий-ку?” дедим.

У [ас-Сунасий] эса “Тўғри, лекин у муътазилий бўлгани билан фуруъда барча ақидадошлари каби ҳанафийдир. Мен эса у ва бошқа уламолар ҳақида чиройли гумон қиламан. Унинг “Қуния”си ҳанафий олимлардан фалончи ва фалончиларнинг китобларидан қисқартириб тузилган. Асарда унинг ўзи айтган фикрлар жуда оз”, деди [8: 1.92-93].

XX аср бошида яшаб, ижод қилган туркий халқлар тарихчиси Мурод Рамзий “Талфиқ ал-ахбор” асарида Хоразм-Олтин Ўрда илмий муҳити ҳақида ёзар экан, ўндан ортиқ фақиҳ исмини алоҳида зикр қилган. Улар ичида биринчи бўлиб Нажм ад-дин аз-Зоҳидий исми келтирилган. Айна пайтда, фақиҳнинг эътиқодий қарашлари унинг фикҳий қарашлари қабул қилинишига тўсик бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни ёзган: “Баъзилар айтдиларки, муътазилий бўлгани сабабли унинг [фикҳий] асарлари эътиборга олинмайди. Мен айтдим: унинг муътазилий бўлгани бу хусусиятни келтириб чиқармайди, чунки фикҳдаги асарларининг асосий қисми муътазилийликка алоқаси йўқ. [Ўтмишда

яшаган] тадқиқотчиларнинг аксари унинг асарларини мақтаганлар.” [10: 1.702-703].

Усманийлар империяси ҳудудида яшаган фақиҳлар Зоҳидий асарларига кўпроқ эътибор берганлар. Масалан, Жамол ад-дин ал-Кунавий (ваф. 770/1369 й.)нинг “ал-Буғя” асари “Қунят ал-муня”нинг қисқартирилган шаклидир. Мазкур манба бугунги кунгача Истанбул (Валий ад-дин №1415, Файзуллоҳ №1037) ва Сараево кутубхоналарида (R-268) сақланувчи нусхалар орқали етиб келган.

Хоразм илмий муҳитининг қўшни ҳудудлардаги таъсири ҳақида сўзлаганда Зоҳидий ёзма меросининг Ўрта Осиё ёки Яқин Шарқ ҳудуди билан чекланиб қолмаганини айтиш зарур. Жумладан, Истанбулда таълим олган ва Скопье (бугунги Шимолий Македония пойтахти) муфтиси лавозимида фаолият олиб борган Пир-Муҳаммад Ускубий (ваф. 1620 й.) ўзининг “Муъин ал-муфтий” асарида Зоҳидийдан кўплаб иқтибослар келтирган.

Хоразмнинг мўғуллар босқинига қадар тарихини ёритишда “Қуня”да келтирилган маълумотлар катта аҳамиятга эга. Масалан, мўғул босқинининг ижтимоий ҳаётга кўрсатган таъсири қуйидагича тасвирланган:

«[Муаллиф] – Аллоҳ ундан рози бўлсин! – айтади: [Илм олувчи талабани моддий таъминлаш ҳақидаги масаланинг] зоҳири шуки, хоразмлик фақиҳ Абу Ҳомид салаф уламоларининг фатвоси, яъни «ота ўзининг толиби илм бўлмиш ўғли сарф-харажатларини қоплаши шартлиги» ҳақидаги қарашини эътиборга олмаган. Аксинча, бу – вожиб эмас, дея фатво берган.

Бунга сабаб эса аксарият толиби илмлар бугун фасодга қараб кетганидир. Улар ичида чиройли ахлоқ эгалари ва фойдали илмлар билан шуғулланишганлари ҳам бор. Оталари улар учун сарф-харажатларини қоплаштиради. Кераксиз нарсаларга пул сўрайдиган инсофсиз фосиқ (йигит)лар ҳам бор бўлиб, уларнинг яхши амалларидан кўра ёмонликлари кўпроқдир. Бу хил талабалар дарсга фақат бир соат келиб, ўзлари араб тилини яхши билмаганлари ҳолда ўзаро тортишув билан банд бўладилар. Бундай илмнинг эса динга фойдасидан кўра зарари кўпроқдир

Мен айтдим: катта фитна (яъни, мўғул босқини)дан кейин толиби илмлар диннинг асослари бўлмиш фикҳ, адабиёт ҳамда араб тили билан банд бўляпганларини кўрмоқдасиз. Улар тирикчилик ва бирор касб банд бўлишлари эса илм таҳсил қилишдан тўсади. Оила бағрида дам олишлик эса илм зиёда бўлишига олиб келади.

Шунга асосан, бугунги кунда салаф уламоларининг сўзи кўпроқ эътиборга олинади. Айрим (ақлсиз талаба)лар томонидан давом этаётган хатолар эса [илм олувчи] фарзанд ва қариндошларга нафақа бериш вожиблигини маън қилмайди.» [5: 109].

Зоҳидий мўғуллар босқинини “барчанинг устига келган бало” (*ал-фитна ал-омма*), “умумий истило” (*ал-истило ал-омм*) каби жумлалар орқали қоралар экан, бу босқин сабабли минтақада юзага келган иқтисодий қийинчилик ҳолатларни батафсил тасвирлаган. У минтақа мусулмонлари дуч келган янги муаммоларга фикҳий ечим топишга ҳаракат қилган. Зоҳидий Ўрта Осиеннинг “дор ал-ислом” статуси хусусида фатво берар экан, бу масалада жавоб топиш осон эмаслигини таъкидлайди. Чунки, Абу Ҳанифа ва унинг икки шогирди фикрларига асослансак, бу ҳудудлар дор ал-ҳарбга айлангани шартлари мавжуд. Бироқ, ўз устози Рукн ад-дин ал-Вонижонийга кўра, исломнинг шиорлари бўлмиш жума ва икки ҳайит намози нуқсонсиз ўқилишда давом этаётгани ҳамда вақф мулки амал қилаётганига асосланиб бинолар ва экинзорлар каби кўчмас мулкка нисбатан “дор ал-ислом”, кўчма мулк борасида эса “дор ал-ҳарб” фатвосини берилади [4: 145^a-146^a].

Мўғул босқини сабаб ўзи ҳам қийин кунларни бошидан кечирган Зоҳидий, айни пайтда бу истилонинг толиби илмларга огоҳлантириш бўлганини айтади ва баъзи ижобий таъсирларини ҳам санаб ўтади. Унга кўра, Ўрта Осиёда ҳанафий фикҳи мўғул босқинидан сўнг гўёки баҳорда ердан ўсиб чиққан ҳосил каби янгитдан шаклланган [5: 109]. Шу нуқтаи назардан “ар-Рисола ан-носирийя”ни Олтин Ўрда ҳукмдори Берке Хонга бағишлаган олим, Хоразм ва атрофларида исломни қайтадан тирилтириш учун кўрсатган

саъй-ҳаракатлари учун мўғул хонини юксак эътироф этган. Зоҳидий Олтин Ўрда ҳукмдори тимсолида исломни янгитдан тирилтирувчи нажоткорни кўради ва унинг ҳаққига мадҳу санолар айтади.

“Қуният ал-муня”нинг илм-фан тарихи учун аҳамиятли жиҳатларидан бири унда қадимги эроний тиллар гуруҳига кирувчи хоразмийча жумлаларнинг қайд этилганидир. Шундан келиб чиқиб, эроншунос А.Фрейман (1879-1968) Зоҳидийни тилшунос, деб атаган [9: 118].

ХУЛОСА

“Қуният”нинг ўзидан кейинги давр фикр илми ривожига таъсири ҳақида сўзлаганда унга ёзилган ҳошия ва шарҳлар ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Асарга ҳошия Сайф Соилий томонидан ёзилган бўлиб, бир нусхаси ЎзР ФА ШИДа сақланади (№ 5942). “Фавоид ал-Қуният” эса Франция миллий кутубхонасида Arabe 6337 рақами остида сақланади (<https://archivesetmanuscripts.bnf.fr/ark:/12148/cc333395>). Мазкур ҳошия ва “Фойдалар” аслида бир асар экани ҳақида хулосага келиш қўшимча тадқиқотни талаб қилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Мухтор ибн Маҳмуд аз-Зоҳидий. Ар-Рисола ан-носирийя. Кувайт, 1414/1994.
2. David Thomas and Alexander Mallett. Christian-Muslim Relations. A Bibliographical History. Volume 4 (1200-1350). Leiden, The Netherlands: Brill, 2012.
3. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. Катоиб аълом ал-ахёр. – Истанбул: Мактабат ал-Иршод, 1438/2017.
4. Мухтор ибн Маҳмуд аз-Зоҳидий. Ал-Мужтабо. Сулаймония кутухонаси, Аyasofya бўлими, қўлёзма № 1262.
5. Мухтор ибн Маҳмуд аз-Зоҳидий. Қуният ал-муня. – Калькутта, 1245/1830.
6. Madelung W. The Westward Migration of Hanafi Scholars from Central Asia in the 11th to 13th Centuries // İmam Mâturîdî ve Maturidîlik (haz. Sönmez Kutlu). – Ankara, 2011.
7. Şükrü Özen. Zâhidî. TDV İslâm Ansiklopedisi, <https://islamansiklopedisi.org.tr/zahidi> (22.09.2024).
8. Разий ад-дин ибн ал-Ханбалий. Дурр ал-хабаб фи тарих аъён Ҳалаб. – Дамашк, 1972.
9. Фрейман А.А. Хорезмийский язык. Материалы и исследования. – М.-Л.: [Издательство АН СССР](#), 1951.
10. Рамзий. Талфик ал-ахбор ва талқиҳ ал-осор фи вақоий Қазон ва Булғор ва мулук ат-тотор. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2002.